

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

«Янги йилда ишлар кўп»

Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларида кўп-лаб делегат-коммунистлар билан учрашишга, суҳбатлашишга тўғри келди. Уларнинг ҳаммаси биз хайрлашаётган 1988 йил боракал йил бўлганини ва шунга қараман Янги йилда ишлар ундан ҳам кўпчилигини таъкидлашди. Демак тигиз ва аниқ программа қабул қилинган.

Ана шу чехрасидан нур ёғилиб турган икки замондошимиз ҳам юқоридаги фикрларини айтишди. Дарвоқе, уларни таништириш ёрдам чиқай дебди. Биринчи «Ташгостройнинг» хисоблаш марказида электрмеханик бўлиб ишловчи В. П. Иванников (чапда), иккинчиси тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Қ. Жалоловадир. Ҳар иккинчиси бир савол билан мурожаат қилди:

— Янги йилдан нималарни кутмоқдасизлар!


В. ИВАННИКОВ: Оламга тинчлик истайман. Қурраимиз тинч бўлсин. Совет кишилари улут ишга кўп урдилади. Қайта кўриш ғалабасига ишонаман. Унинг шабадаси мамлакатимизнинг чекка-чеккаларига эриб, дилларга сингир борапти. Мамлакатимиз қуролланиш пойгагини тўтатиш борасида янги қадам ташлади. Янги йилда ҳам вадасий хавфининг олдини олиш учун курашаверамиз.

Қ. ЖАЛОЛОВА: Замондошимизнинг гопига қўйилмади. Дунёга тинчлик керак. Мен айбман, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш ва мустақамлаш ҳусусида. Янама иложим йўқ. Янги йилда кишилар саломатлиги, проба, аларига кенг социал позициялардан туриб қарашимиз керак. «Эл соғлиги—юрт бойлиги» дейди халқимиз. Саломатликда гап кўп. Фурсатдан фойдаланиб Янги йилда ҳаммагинизга сикхат-саломатлик тилайман.

— Ҳош ҳақ гап. Биз ҳам замондошларимиз фикрига қўшнамиз, соғ бўлишлар, азиз ҳамшаҳарларимиз, Янги йилда уйингиз янги қувончларга тўлсин.

Мурод ХАЛИЛОВ.

Тўққин Каримов фотолари.



Хўжалик ҳисобига—кенг йўл

Йил ва дил ўйлари

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усули кўпгина корхоналар учун ташаббускорлик ва омилкорликнинг ўзига хос имтиҳони бўлди. Бу том маънодаги ижодий иш эканлиги ҳозир корхона раҳбарлари ва мутахассисларига яхши маълум. Шаҳримизда 70 саноат бирлашмаси ва корхонаси тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шариотида иш олиб борди. Бу аввало КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида саноат корхоналарининг партия ташкилотлари олиб борган кўп қиррали иш самарасидир. Махсус ишчи комиссиялари аниққа актив фаолият кўрсатди. Аммо умуман олганда янгича иқтисодий фикрлашга эришиш осон бўлмади...

«Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунида меҳнат коллективларининг ўз-ўзини бошқарувида корхона меҳнат коллективи кенгашининг ролига катта эътибор берилган эди. Аммо биз йил мобайнида барча меҳнат коллективларининг кенгашлари ҳам етилган муаммоларни дадиллик билан ҳал этди, дея олмаймиз. Сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун йил бошида Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, лак-бўёқ, «Средазгазавтоматика» заводлари меҳнат коллективлари кенгашлари анча кечиктириб иш бошлаганини айтиш кифой. Ҳолбуки ишлаб чиқариш жараёнида озмунча муаммолар туғилмайдик-ку: кенгашлар эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг барча жиҳатларини ўз назорати-га олишлари, иш самарадорлигини ошириш ҳақида астойдил жон куйдиришлари, корхона ишининг янги — ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шариотида бир маромада ишлаганини таъминлашга ҳисса қўлиши керак. Қолаверса, кадрларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришда ҳам ҳамма жойда қатъий билан иш олиб борилдими? Тўла хўжалик ҳисобининг теъдла «ойица туриб олиш»га баъзи корхоналарда техникавий ва иқтисодий масалаларда қолоқ, эскича позицияларда туриши ҳам халақит берди. Айниқса, ишлаб чиқаришнинг ўрта эвено етакчилирида, инженер-техник ходимларда шундай ҳоллар содир бўлганини сир эмас. «Сергели» меҳнати ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа баъзи корхоналарда эса иқтисодий ўқув дастлаб юзакроқ бўлди, уларда хўжалик ҳисоби моҳиятига чуқур кириб борилмади, иқтисодий ўқиш ҳар бир цех ёки участканинг ҳаёти билан узвий боғланмади.

Ўтиб бораётган йилимизда жами саноат корхоналарининг 40,2 проценти тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шариотида иш олиб борди. Аммо маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш шу йилнинг ўтган ўн бир ойида 97,9 проценти ташкил этди. Бу эса умуман шаҳар саноати бўйича эришилган даражадан пастдир.

16 корхона 46,9 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга кам етказиб берди. Бу умуман шаҳар саноати бўйича буюртмачиларга етказиб берилмаган маҳсулотнинг 79,7 проценти ташкил қилади. Ҳозир— ошкоралик даври. Келинг, шартнома интизомига риоя этмаган йиллик корхоналар номини очик айтиб қўя қойлайлик. Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмалар бўйича ўн бир ойлик плани 93,1 процент, Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси 95,6 процент, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси 95 процент, «Узватормет» 95,7 процент, тўқимачилик комбинати 95,5 процент адо этди. Хос. Биз йил бўйи бу ҳақда эсимдан, бу корхоналар эса шартнома мажбуриятларини бажармасликдан чарчашмади. Аммо буюртмачилар бармоқларини тишлаганча қолдиришди. Мана, энди Янги йил ҳам келиб қолди. Билмадик, улар буюртмачилар ишончини энди қандай қилиб қозонарликлар?

Хўжалик ҳисоби шариотида ишлаётган бу корхоналарнинг яхши ният билан қўзлаган фойдасига эриша олмадилари айниқса ишнинг афсуслангирлиги. Масалан, жами ўн беш корхона, шу жумладан

юқорида номи тилга олинган — кабель, электр аппаратлари, тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, агрегат, лак-бўёқ заводи коллективлари ҳам минглаб сўмлик фойдадан деярли умидларини узмоқдалар. Улар ўн бир ойда 33 миллион сўмдан кўпроқ фойдани қўлдан бой бериб қўймоқдалар! Шундан агар «Средазкабель» 12 миллион сўмдан зиёд, электр аппаратчилар 3 ярим миллион сўмлик, «Қизил тонг» 1,2 миллион сўмдан ортиқ, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 1,1 миллион сўмдан кўпроқ, лак-бўёқ заводи 4,5 миллион сўмча фойдани «елга совурган» бўлишса, кимнинг фойдаси кимнинг зиёни? Оқибатда фақат республика енгил саноат министрига қарашли корхоналардан савдо тармоқларига 16,5 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари келиб тушмади. Фақат «Қизил тонг»нинг ўзидан 5,6 миллион, тўқимачилик комбинатидан эса бундан деярли икки ҳисса кўп — 11 миллион сўмлик буюмлар етказиб берилмади.

Ютуқларимиз бор, биз улардан кўз юммоқчи эмасмиз.

Ўтган давр мобайнида шаҳар саноати планга қўшимча 25 экскаватор, 11 та пахта териш машинаси, 150 га яқин сейлка, 60 га яқин йигирув машиналари, 180 минг юфтга яқин пойабзал, 24 минг дона трикотаж буюмлари ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Аммо айни пайтда бир мингдан зиёд компрессор, 13 та электр-кўприк қранлари, 480 га яқин трактор-прицеплари, қанчадан-қанча ил-газлама-лар, 1,5 миллион сўмликдан ортиқроқ мебоеллар ва қўллаб тикувчилик буюмлари буюртмачиларга етказиб берилмади, бу корхоналарнинг ҳаммаси ҳам бир маромада иш олиб бораётганидан далолат!

Шаҳримизда ҳозир 128 та корхона ва ташкилот тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шариотида ишлайпти. (Шундан қанчаси саноат корхонаси эканлигини юқорида эслатдик). Уларда фойда олиш планлари умуман ортиғи билан бажарилаяпти, фақат 22 корхона ва ташкилот фойда олишда нўноқлик қилмоқда! (Улар мўлжалдан 32,7 миллион сўм кам фойда олганлар). Саноатда фойда олиш планларини бажара олмаётган корхоналар сони секинлик билан камаймоқда. Чунонки, ўтган ойда аттиги учта корхонага қамайган, холос.

Фойда олиш — хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичи. Даромадга қараб буюрмад, деб бежиз айтмаган халқимиз. Аммо А. Икромов, Куйбишев, Ленин ва Фрунзе районларидаги саноат корхоналарида негари бу муҳим нарсасига етарли эътибор берилмапти. Улар жами мўлжалдагидан 21,5 миллион сўм кам фойда бердилар. Энг ташвишланарлиси, баъзи корхоналарда бу кўрсаткич анча ҳароб аҳволда. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси пландагидан салкам 12 миллион сўмлик кам фойда олди, тўқимачилик комбинатида бу кўрсаткич 7 миллион сўмликдан, лак-бўёқ заводида 4,2 миллион сўмликдан, «Средазэлектрораппарат»да 3,3 миллион сўмликдан зиёдин ташкил қилади. Бундай корхоналар сафида «Таштекстильмаш» ҳам бор.

Энди нима учун шундай ҳол содир бўлди, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг асосий сабабларидан бири бизнингча шундан иборатки, маҳсулотни ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб бермаганликлар учун қўллаб жарима тўлашга мажбур бўлганлар. Бу — фойданинг анча қисми кетди, деган сўз!

Иккинчи сабаби — ҳамон баъзи корхоналарда маҳсулот таннархи қимматлигида, «плани» ҳар қандай йўллар билан бажарамиз» деган эскича ёлдошуларга ҳамон барҳам берилмаётганида. Учинчи сабаби — авваллари кўпгина корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарилаверарди, аммо у харидорга, буюртмачиларга маъмул-йўқми, кўп ҳолларда корхонанинг иши бўлмасди. Ҳозир у «даврлар» ўтиб кетди. Энди маҳсулот реализацияси планларини муттасил бажариш талаб этилади. Бу дилимиздаги орзулар, албатта. Биз янги усулга ўтган ҳар бир корхонанинг Янги йилда бу камчиликлардан қутула бориши тарафдоримиз. Негаки келгуси йилда қўллаб корхоналар тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усулида ишлашга қизғин тайёрларлик кўрмоқда. Бу — ўзаро мусобақа аянам авж олади, демак. Шундай ишлайликки, янги усул янги медалар берсин!

Ҳамид ИКРОМОВ.

Тошкент метроси қурилишида

1988 йил—

тақдиримда

Инсон бахти

Антонина ХЛЕБУШКИНА,

Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйи директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Ҳозирги кунда 3500 нафар тарбияланганлар мени «Она» деб атайдилар. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми оламда? Ўтган йили болалар уйининг 45 йиллиги кенг нишонланди. Бағрим қанчалик тўлган эди, ўшанда. Бизга илк бор Ленинград қамали; Украина, Белоруссиядан келган қизалоқ ва болакайлар улғайиб оилали, ҳатто неварали бўлишди. Ўзбекистонда В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди бўлими тузилганда кўз олдимга меҳрибон, азизларимнинг болалик йиллари, жавдираб турган кўзлари келди.

Бу йил мен учун айниқса маъмул бўлди. Бутунитти-фон XIX партия конференциясига делегат этиб сайландим. Ҳақиний демократия ва ошкоралик тантанаси қилган анжуманда қатнашар эканман, социалистик турмуш тари, истибқолимизни ёрқин кўргандек бўлдим.

Менга қўпичча болалар уйда тарбияланганларнинг ярми олий маълумотга эга, бунга қандай эришяптилар деб савол беришди. Жа-воби жуда жўн: болаларни онанек, отадек ардоқлаш, қадрлаш керак.

Партия ахбороти

«Ошкоралик ойнаси»

Ешларнинг бўш вақтини ташкил этиш, ётоқхоналардаги ачинарли аҳоли... «Миконд» заводда ечимини кутаятган бундай муаммолар оз эмас. Партия комитети уларнинг қандай ҳал қилинаётгани, шунингдек корхонанинг бошқа соҳалардаги ҳаётини «Ошкоралик ойнаси»да аниқ эттиришга ҳаракат қилмоқда.

Партия комитети секретарининг идеология бўйича ўринбосари О. Малюшко раҳбарлигида ҳар ҳафтада маълумотлар янгилашиб турилади. Шу кунларда корхона олдидан ўтган киши завод коллективининг арманистонликларга дўстона ёрдам билан танишиш мумкин. «Миконд»ликлар эзилмадан азиз чеккан арман халқи учун ёрдам фондига 42,5 минг сўм маблағ ўтказишган.

Муҳим мавзуда

Ирригация бўйича ихтисослаштирилган давлат конструкторлик бюроси ва Тошкент экспириментал ишлаб чиқариш корхонаси бир террорияда жойлашган. Ҳар киши коллективда рус, ўзбек, қорей, қозоқ каби ўндан ортиқ миллат вакиллари аҳил меҳнат қилишяпти.

Яқинда улар иштирокида ўтказилган партия қуви Бутунитти-фон XIX партия конференцияси қарорлари асосида ин-тернционал тарбияни шакллантириш мавзусига бағишланди.

Шоди САЪДУЛЛАЕВ.

«Ташметрострой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг В. Сергеев бошлиқ участка метросозлари Беруний номи ва «Тинчлик» станцияларини оралиғидаги 18-шахтада меҳнат қиляптилар. Яқинда биз Тошкент метроси «Ўзбекистон» йўлининг ана шу қурилатган участкасида бўлдик.

Метросозлар йиллик плани муддатидан анча илгари адо этишди. Қарийб 3,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

кавлашга улгуришди, баъзида ундан ҳам кам. Кунлик план бажарилмай қолади.

— Ойлик, йиллик планларни бажарсангда, лекин ҳали имконият даражасида ишламаяптилар деб қўйишди. Бу фикрга қўшилса бўлади, — деди А. П. Шчокин, — ўзимиз ҳам бунни жуда яхши ҳис қиламиз. Бироқ имконият даражаси фақат ўзимизга боғлиқ эмас-ку. Қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаса, биз ўзимиз уларни ҳаводан оспайамиз-ку. Цемент таъминоти жуда ёмон, гардини кўзга суртудай бўлди. Металл, материалларнинг бир неча турини ишлатамиз. Албатта бирининг ўрнига иккинчисини қўллаб бўлмайди. Участкада металл кўп бироқ тури кам.

Яна бир эътирозимиз, 2-темир-бетон буюмлари заводи маҳсулотига. Келти-

Ютуқлар нималарга боғлиқ?

— Бу ерда биз асосан икки станция оралиғидаги йўлни қавлаб, блокларини ўрнатиб, маҳкамлаймиз, — деди биз билан суҳбатда участка бошқармаси ўринбосари А. Шчокин. — Ҳар 3 — 4 метр лаҳм қазилиб тўпроқ олиб ташлангандан сўнг, йўлнинг таг қисмига бетон қоршмаси қўйилади. Атрофига махсус плиталар, блоклар пайвандланмиш маҳкамланади. Шу зайдда йўл қурилиши давом этади.

А. Шчокиннинг соддароқ тушутиришидан иш жуда осон кўчаётганига ўхшайди. Аслида-чи! Ҳақда бир сменада ишчилар зўрга бир погон метр ерни

рилатган блоклар орасида стандартга жавоб берадиган, бирининг чокки иккинчисига тўғри келадиган жуда оз. Сифатсиз блоклар ҳақидаги гап метро қурилиши бошлангандан бери айтила-ди. Езилган рапортлар катта лапкага жо бўлади, лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти. Блок қалинлиги стандартда бел-гилангандан 15, ҳатто 20 миллиметрга фарқ қилади. Бир-бирига маҳкамланганда, туртиб чиқиб қолади. Уни текислаш учун вақт, иш кучи сарфлаш керак. Мана шундай бизга боғлиқ бўлган камчиликлар имкониятимизни чеклаб қўйяпти.

Қорбобонинг тилаги



Яна шунинг айтмоқчиманки, Тошкент корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни мамлакатимизнинг, ҳатто жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида кўриш мумкин. Тошкентликлар ўзлари тайёрлаётган маҳсулотларнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун курашмоқдалар. Лекин ҳали булар оз. Янги йилда қилинадиган ишлар жуда кўп. Янги массивлар, янги кварталлар қурилиши авж олибди. Биргина Юнусовод массивига қаранг-а! Уйлар ёмғирдан кейин бош кўтарган қўзқоринлардек кўп. Аммо уларнинг сифати-чи! Истардимки, 1989 йилда янги уйларга кўчиб кирадиган тошкентликлар уйларини ремонт қилмасалар, чала уйларнинг камчиликларини бартараф этмаган деб, қимматли вақтларини йўқотмасалар. Ана шу тилакларни амалга ошса ўзимни гоёат батиқ деб ҳисоблайман.


Ҳозир партияимиз асосий эътиборни уй-жой масаласига қаратмоқда. Биз 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квар-тира билан таъминлашимиз керак. Фурсатдан фойдаланиб, 2000 йилгача ҳар бир тошкентлик оила ўз уйига эга бўлсин дейман. Байрам арасида кўпгина оилалар янги уйларга кўчиб ўтибдилар. Келинлар, уларни муборакбод этайлик. Янги уйларингиз қўтлуг бўлсин, азизларим!

Элбек МУРОДОВ.

Музей

заллари

бўйлаб



Қутлуғ даргоҳ



Гўзал Тошкентимизда бир ажойиб қоша бор. У ҳаммаиз учун табарруқ ва мўътабар. Бу Владимир Ильич Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидир. Бу қутлуғ даргоҳнинг 70 дан ортиқ залларида дохилмиз Ленин, Коммунистик партия, инқилоб тарихига оид ҳужжатлар, В. И. Ленин асарлари, кўпсаноқли нусхалари ва бошқа кўплаб ёдгорликлар, ҳуллас уч мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд.

Музей очилгандан буён орадан 18 йил ўтди. Бу ерда олиб борилаётган ишлар ҳам давр билан ҳамнафас ривожланимда. Айниқса ҳозирги қайта қуриш ва ошқоралик замонида музей давримизнинг, партияимизнинг ижодий ва ғоявий мактабига айланимда. Шу муносабат билан муҳбиримиз музейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ш. Н. Шарипов билан суҳбатлашди.

— Шавкат Назирович, ленинизм — қайта қуриш, ошқоралик ва демократиянинг асосидир. Мана шу ажойиб тадбирлар амалга оширилётганда музейда қандай сифат ўзгаришлари бўлаётган?

— Қайта қуриш, ошқоралик ва демократия амалга оширилаётган ҳозирги пайтда дохилимиз Ленин ҳаёти, революцион фаолияти ва асарлари янада чуқур ўрганилаётган. Давр ҳам, музейга ташриф буюрувчилар ҳам биздан шуни талаб қилмоқда. Илгарилари лекторлар музейга келганларга фақат умумий тарзда гапириб берарди. Энди экскурсиялар ташриф буюрувчилар билан мулоқот тарзида олиб борилаётган. Уларнинг фикрлари ишларимизни қай тарзда ташкил қилишимизда ақиндан ердан ҳам бермоқда.

— Музейга келувчи мухлисларни кўпроқ нималар қизиқтиради?

— Шунинг фахри билан айтганимиз, музей ташкил топгандан бери 10 миллионга яқин киши ташриф буюрди. Кўплаб мухлисларни миллий масала, интернационализм ва халқларимиз дўстлиги қизиқтирмоқда. Турғунлик йилларида, кўпчилик бизда миллий масалада муаммо йўқ деб келинган. Аслида эса ҳар қадамда, ҳар соҳада бу ҳусусда муаммолар бор эди. Шунинг учун ҳозир музейнинг ҳар бир ходими бу масалани атрофлича ўрганмоқда. Масалан, Советларнинг ролини ошириш тўғрисидаги масала Бутуниттифок XIX партия конференциясида ҳам, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил ноябрь Пленумида ҳам оператив суратда қўриб чиқилди. Бизда ҳам Советлар тўғрисида, Ленин концепциясига бағишланган айрим ленталар бор. Ҳозир уларни мухлисларимизга мунтазам кўрсатиб келаямиз.

Йил бошидан буён ойда бир марта музейимизда депутатлар кўни ташкил этдик. Бу кунда ҳар сафар алоҳида бир район депутатларини жамлаيمиз. Уларга Советларнинг роли ҳақида лекциялаш ўқилди, суҳбатлар ўтказилди. Лениннинг дохилиятининг роли ҳақидаги, Советлар тўғрисидаги фикрлари ёзиб олинган ленталар эшиттирилди.

— Музейнинг шахардаги партия ташкилотлари билан алоқаси қандай йўлга қўйилган?

— Шахримиздаги муассаса ва корхона партия комитетлари секретарлари учун музейда махсус секретари советларини ўтказишни йўлга қўйдик. Ҳар бир партия комитети секретари Ленин ғоялари ва услублари билан кенг танишди. Масалан, назария билан практика билгилли, кадрларни танлаш, фан ютуқларидан умумий фойдаланиш, ўзига ва одамларга талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид... Булар дохилии иш услубида яққол кўзга ташланиб турадиган томонлардир.

— Ҳар бир музей ёшлар учун ўзига хос мактаб ролини ўйнайди. Шу ҳусусда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Музейимизга ёшлар кўп келади. Улар билан иш олиб боришда биз фақат лекция билан қаноатланмай, урғувларни мулоқот, мунозара тарзида ташкил қилмоқдамиз. Жумладан, бу йилги Бутуниттифок Ленин комсомолнинг 70 йиллик юбилейи муносабати

билан шахар комсомол комитети ҳамкорлигида шахар активист мактабини ташкил қилдик. Бу мактаб машғулотлари шахардаги барча корхона ва ташкилотларнинг комсомол активистларини тақлим этдик. Ёшлар партиянинг биринчи ёрдамчиси ва ўринбосари комсомол қандай вазифаларни бажаришини ва бошқа ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Улар тарихчилар, иқтисодчилар, файласуфлар билан учрашиб, мулоқотда бўладилар.

— Музейда, ўтаётган йилимизда яна қандай янги тадбирлар йўлга қўйилди? Янги йилдаги режалар нималардан иборат?

— Бу йил музейимиз ҳаётида янгиликлар кўп бўлди. Йил давомида пропагандистлар билан мунтазам суратда машғулотлар ўтказиб келдик. Олий ўқув юртлири талабалари билан ҳам дарслар олиб бордик. Масалан, яқинда музейимизда шахар халқ таълими бош бошқармаси билан бамасолақ шахримиздаги мактабларнинг директорлари иштирокда амалий конференция ўтказдик. Унда 250 мактаб директорлари катнашди. Ушбу йилда музейимиздаги кейинги пайтларда юз бераётган ўзгаришлар, бошлар билан ишлаш формалари ҳақида, Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги дарслик қай йўсинда ташкил қилиш, унда техникадан фойдаланиш ҳақида бахс юритилди. Сўнгра янги шу мавзуда «Намунали дарс» ўтилди. Музейда «Шундай партия бор» деган кўча кўргазма ҳам ташкил қилдик. Бу кўргазма асосида Киров районидаги кўплаб завод ва фабрикаларга бориб лекциялар, суҳбатлар уюштирдик. Бу ишни янги йилдан янада ривожлантирмоқчимиз.

Музейимизда В. И. Ленин ҳаётини акс эттирувчи 30 дан ортиқ турли хил фильм бор. Фильмларда дохилии Лениннинг эмоционал ҳолати, сўзга чиқиши, ҳуллас ҳар бир ҳаракати бизга мухлислар билан, айниқса, ёшлар билан ишлашимизда катта ёрдам бермоқда.

Яқинда музейимиз Марксизм-Ленинизм институти, Марказий давлат архиви ва В. И. Ленин Марказий музейи материаллари асосида яратилган «Илмий эслаб» деган янги ҳужжатли фильм олди. Ушбу лента кадрларида Лениннинг одамийлиги, принципиаллиги, кишиларга савимий муносабатлари ҳақоний акс этган.

Қайта қуриш шарофати билан музей структураларини қайта қуриб қиялмиз, экспонатларини янгилаямиз. Республикаимиз партия ташкилотларининг фаолиятини кенг планда акс эттирмамиз.

Бу йил бошлаган янги аъёнларимизни Янги йилда янада бойитиб, тўлдириб, ривожлантириб бормоқчимиз. Ёш коммунистларга партия билетларини бериш, пионерликка қабул қилиш, шахримизнинг танқили кишилари билан учрашувлар ўтказиш ишларини ҳам мунтазам йўлга қўямиз.

Дохилии музейини шахар партия комитетининг, республика партия ташкилотларининг идеологик марказига айлантиришга ҳаракат қилаверамиз.

Суҳбатни Адҳам ДАМИНОВ олиб борди.

ларимизда тушунириш ва пропаганда ишларини кенг миқёсда олиб боришимиз керак.

— Мен гапни КПССнинг XIX Бутуниттифок конференциясидан бошламоқчиман. Чунки бу анжуманда Советларнинг ҳуқуқларини ошириш, депутатга янада эркинлик бериш ҳақида сўз борди. Очигини айтганда, конференциядан кейинги ўтган шу етти ой ичида Советлар ва депутатлар иши сезиларли даражада жонланди, — дейди суҳбатимизга қўшилган Со бир Раҳимов район Советининг депутати курувчи Тоҳир Ғуломов. — Жумладан, ушбу конференция Резолюциясидаги «СССР халқ

ишлайман. Лекин мана шу касбим орқали энда обрў топдим, коллектив ҳўрматига сазовор бўлдим. Менга катта ишонч билдиришди. Район Советига депутат қилиб сайландим. Йигирма беш йилдан бери турли қурилишларда ишлаб келаман. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча биноларни бунёд этишда қатнашмадим. Минг-минглаб оиаларни янги шинам квартиралар билан таъминланганига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман.

Кечки пайларги шахримиз кўчаларини кезишни яхши кўраман. Шундай кезларда сервитор ва осмонўпар биноларга кўзим тушган

ида дилдан яйраб кетаман. Бу қурилишларда озми-кўпми лекин ҳам ҳиссам борлигини ҳис этиб фохрланаман.

Курувчининг ҳасби-трестга севиб келгани ҳам шундан. Қозир 4-трестда қариб 32-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаялман. Афсуски кичик бир суҳбатда уларнинг ҳаммасини баён этиб бўлмайди.

— Депутат — халқнинг ишончли вакили. Зеро шундай экан, у ҳаммага сайловчилар ташвиши билан яшаш керак. Уларнинг гапига ҳам, қувончига ҳам шерик бўлиши, эл-юрт оғринини енгил қилиш йўлида жонбозлик кўрсатиши лозим. Шахсан ўзим депутатлик бурчини шундай тушунаман, — дейди Акмал Икромов район Советининг депутати Алишер Соипов депутат бурчи тўғрисидаги саволимизга жавоб бериб. — Бу ҳақда Бутуниттифок XIX партия конференцияси материаллари ва резолюцияларида ҳам кўп гапирилди. Масалан, «Демократия кўпроқ, социализм кўпроқ бўлиши, меҳнаткаш инсоннинг яхши яшаш, мамлакатнинг улғуворлиги ва бахт-савоати бизнинг мақсадларимиздир», дейилди. Қозирнинг мақсадларида. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ерда сўз ҳақини ошқоралик ва инсон омили ҳақида бормоқда. Жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари бу кишинингдир инъом эмас, балки социализмнинг талабидир, уфайли қўлга киритилган. Шундай экан, биз депутатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишимиз, уларнинг поклиги учун курашимиз керак. Зеро, қайта қуришнинг ўзи инсон омили

Олдинги сафда

шуниб етмаган. Бу масала партия комитетида бир неча марта муҳокама қилинган, маълум ўзгаришлар бўлди. Корхонада шига туширилган роботлашган линияда корпуси деталларга ишлов берилапти. Лигровардида катта қўлайликлар яратилди. Жиҳозлар ва ишчи кўчи қисқарди. Ўз-ўзини маблаг билан таъминлашда программа асосида бошқарилувчи 22 та замонавий дастгоҳларнинг аҳамияти ҳам катта бўлапти.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, давлат қабули жорий қилинган, шароит яхшиланди. Ҳар бир ишчи ўзи тайёрлаётган деталга синчковлик ва масъулият билан муносабатда бўлмоқда. Шу ўринда бюуртачиларга махсуслот етказиб бериш йиллик планини 100,2 процентга бажарилганини таъкидламоқчиман.

Коммунистларнинг иқтисодий-сиёсий ва ҳаётга тайёрлашда аттестация муҳим омили бўлапти. Ҳозирга 41 КПСС аъзоси ўзига хос кўриқдан ўтказилди. Аттестация пайтида партия аъзосининг Ўсав таллабларини қандай бажараётгани, сиёсий етуқлиги ва коллективдаги ўрни инобатга олинапти. 10-цех спесари Жамол Раҳматуллаев ва яна бир коммунистнинг синаб қуриш мақсадида шартли аттестация ўтказган эдик. Ҳозир бу икки коммунист ҳар соҳада ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилишапти.

Материаллар тақчиллиги асосий муаммолардан биридир. Биз асосан пахта тўрв машиналарига редукторлар, тракторларнинг мостларини ишлаб чиқарамиз. «Чирчиксельмаш», «Тошкент экскаватор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси» ва бошқа корхоналар қўйма деталлар билан таъминлайди. Кўпчилик оянинг бошида зарур хом ашё бўлмай қолиб, бригадалар ишсиз қолиб кетишади. Ой охирида эса кеча-кундуз ишлаган билан кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаб бўлмаяпти. Кетаятган материалларнинг маълум

қисми брак чиқади. Бу муаммо цех партия ташкилотлари ва партия гуруппари мажлиси кун тартибидан тушмайди. Партия комитети ва маъмурият ташкилотчилари олдинга тез-тез вакил юборишдан бўлак чора кўролмаёпти.

Биз аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйдик. Яқин кунларда завод территориясида «Салон — магазин» ишга туширилиб, эҳтиёждан ортиқча махсуслотлар шу жойда реализация қилинади.

Партияимизлар кўп ишларда коммунистларга суянишмоқда. Чунки, улар таъминот, иш ҳақи, турар жой ва бошқа масалалар юзасидан ўз мулоқазаларини жон кўйдириб ўртага ташлашапти. Аммо сифат, меҳнат унвдорлигини ошириш бўйича дадиллик етисилмапти. Корхонада ишлаб чиқарилган махсуслотнинг 27 процентини давлат қабулидан ўтмаганлиги партия ташкилоти хали бу борада кўп ишлар қилиши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Биз биринчи навбатда заводнинг иқтисодий аҳволини яхшилашимиз керак. Бунинг учун янги товарларни мунтазам ўзлаштириш, эскирган дастгоҳларни ўзгартириш талаб этилади. 10-механика цехида 700 га яқин техник жиҳозлар бор. Масалан, Тошкент подшпильник заводида бундан кам. Дастгоҳларни нормал жойлаштириб, ишлаш учун етарли шароит яратиш учун келгуси йилда темирчилик-пресслаш цехи ишга туширилади. Партия комитети заводнинг комплекс ривожланишини назорат қилишни асосий вазифаларидан бири деб билиди. Биз бу йилги сабоқлардан хулоса чиқарамиз.

Суҳбатни Саъдулла ШОДИЕВ ёзиб олди.

Маҳалла қувончлари ва ташвишлари

Жонли ишлар маркази

Пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги Мискин номли маҳалла кичик бўлса-да, бу ерга келган киши доимо хурсанд бўлиб қатади. Аҳолининг ҳамжihatлиги, бир-бирига меҳрибонлиги, кўчаларининг доимо озода бўлиб туриши баҳри-дилингизни о'чати.


Икки томонига кўркем уйлар саф тортган Мискин кўчаси бўйлаб бораркансиз, София проспектини кесиб ўтган чорражада чиройли бир бинога кўзингиз тушади. Бу бино пештоғига «Мискин номли маҳалла комитети идораси» деб ёзиб қўйилган. Унинг олдида кичик хивобон бор. У ерда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган маҳалла жангчилари хотираси учун ёдгорлик ўрнатилган. Хивобоннинг рўпарасида кўркемгина клуб биноси, ўнг томонда эса шинамгина чойхона. Бу клуб доимо маҳалла кишилари билан жангум бўлади, тез-тез кечалар, лекция ва суҳбатлар ўтказилиб турилади.

Клубнинг юқори томонида Улуғ Ватан урушида қатнашган маҳалла жангчиларининг суратлари қўйилган. Шунингдек маҳалла комитети ишида жонқуярлик кўрсатган активистларнинг ҳам суратлари бор. Айниқса клубнинг бурчагига алоҳида стол, стуллар қўйилган бўлиб, шинамгина «Атеистик бурчак» ҳам тайёрланган. Бурчак тепасига атеистик мавзуларга доир плакатлар киши диққатини ўзига жалб қилади. Бу ерда китоб навоҳи ҳам бор, унга атеистик мавзудаги китоблар, брошюралар, шунингдек, газета ва журналларда янгича аъёнларга оид мақолалар териб қўйилган. Атеистик тарбия масалаларини ёритиб борувчи маҳалла комитетининг «Мискин маслаҳатлари» деворий газетаси ва фототўғинаси ҳар ойда мунтазам чиқиб туради. Маҳаллада олиб бориладиган маданият-оқартув ишлари ҳақида суҳбатлашиб турганимизда, комитет раиси Ёрғаш Исмоилов шундай деди:

— Бу ишларнинг ташкилотчилиги камтарин педагог Ғофуржон Азимов эди. У 10 йилча маҳалламизда жамоатчилиги асосида ишлади. Маҳалла аҳли уни тез-тез хотирлаб туради. У 22-ўрта мактабнинг юқори синфларида она тили ва адабиётини давра берарди. Ғофуржон бошлаган ташаббусини комитет фаоллари давом эттирмоқдалар. Маҳалла комитети ҳузурида лекторлар совети бўлиб, Тошкент Давлат университетининг атеизм кафедраси билан узвий алоқа боғланган. Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган йилги-лишта шу кафедрадан Ғани Набиев бошчилигида лекторлар гуруппаси белгиланган график асосида лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Савол-жавоблар кечалари ҳам қизил-қарли ўтказилади. Бундан ташқари лекторлар гуруппасига маҳаллага яқин бўлган 22-ўрта мактабнинг директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ленин ордени кавалери Ҳанимжон Ҳошимов, 119-ўрта мактаб директори Далавий Турсунов, Улуғ Ватан уруши ветерани Ориф Турсунов, ТашГРЭС поликлиникаси врачлари И. Сиддиқхўжаев ва Г. Файзиевалар жалб этилган. Шунингдек, район суди, прокуратураси ходимлари ҳам вақти-вақти билан тақлим этилган. Улар айниқса районда ёшлар ўртасида содир бўлаётган нуқсонларни аниқлаб, кўпчилик ўртасида жиддий муҳокама қилмоқдалар. Бу каби тадбирлар ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларининг яхшиланиб боришига ёрдам бермоқда.

Бундан ташқари маҳалла комитети қошида яна бир неча советлар ҳам актив иш олиб бормоқда.

Ҳамидулла ЙҮЛДӨШЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.



Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

